2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 122 (911), 2023 йил 21 июнь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

## НАВҚИРОН АВЛОД ВАКИЛЛАРИ

### келажагимиз таянчи, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи

**Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодийислоҳотлар натижасида тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйилди. Шу йилларда барча соҳаларда бўлгани каби ёшларга оид давлат сиёсатида ҳам тарихий ва оламшумул ўзгаришлар рўй берди. Бунинг асоси сифатида ислоҳотлар дастурининг энг биринчи ва устувор йўналиши ёшлар масаласи этиб белгиланганлигини таъкидлаш жоиз.**

Давоми 5-бетда




2023 9-IYUL O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI

Газетамизнинг бугунги сонида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Сайловолди ташвиқоти бўйича мақола чоп этилмоқда.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга Сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-бетга қаранг.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

## МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ 28 ИЮНДАН БОШЛАНАДИ

**Марказий сайлов комиссиясининг 20 июнь куни бўлиб ўтган мажлисида сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз беришини ташкил этиш, Президент сайловини ўтказиш даврида жамоат тартибини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.**

Мажлисда Сайлов кодексига биноан, муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар учун сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш ўтказилиши юзасидан қарор қабул қилинди. Унга кўра, муддатидан олдин овоз бериш 2023 йил 28 июнь куни бошланиб, 2023 йил 5 июль куни якунланади. Сайлов участкасида муддатидан олдин овоз бериш вақти иш кунлари соат 9.00 дан соат 18.00 га қадар, дам олиш ва байрам кунлари соат 11.00 дан соат 17.00 га қадар давом этади.

Давоми 2-бетда

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

## ФИНЛЯНДИЯ ТАЖРИБАСИ: УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ МУВАФФАҚИЯТИ

### ўқитувчилар тайёрлаш тизимига боғлиқ

**Бўлғуси педагоглар интеллектини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш дунё миқёсида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам жамиятимиз аъзолари, хусусан, ёшларнинг билими, савиясини ошириш учун, аввало, илм, маърифат, юксак маънавиятни камол топтириш асосий вазифа этиб белгиланган. Ушбу саъй-ҳаракатларни амалга оширишда ўқитувчининг маҳорати, илғор тажрибаси жуда муҳим.**

Давоми 5-бетда



МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА



## “Қуёшли хонадон” ФУҚАРОЛАР ДАВЛАТГА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ СОТМОҚДА

**Кармана туманида яшовчи меҳнат фахрийси Саломат Хўжаева бир ой аввал хонадонига қуёш панели ўрнатиб, бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясидан фойда ҳам олмоқда. Дастлаб бу ҳақдаги гап-сўзларга ишониб-ишонмай уйига қуёш панели ўрнатган онахон кейин бу рост эканига, электр энергиясини нафақат тежаш, балки ундан даромад ҳам олиш мумкинлигига амин бўлди.**

Давоми 4-бетда

ҲАМКОРЛИК

## ИЛДИЗЛАРИ ТУТАШ ҚАДИМ МАДАНИЯТ

**Айни кунларда Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ ўзининг 30 йиллигини нишонламоқда. Ташкилот 1993 йилда Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Туркия ўртасидаги келишув натижасида ташкил этилган. Кейинчалик унга бошқа давлатлар кузатувчи сифатида қўшилди. ТУРКСОЙ ташкилотининг мақсади — туркий халқларнинг маънавий яқинлиги ва қардошлик бирлигини мустаҳкамлаш, туркий маданиятни дунёга танитиш ва унинг анъаналарини келажак авлодларга етказиш ҳисобланади.**

Тарихи, тили, дини, урф-одат ва анъаналари, орзу-интилишлари муштарак бўлган халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини мустаҳкамлашда ТУРКСОЙнинг улкан ўрни ҳамда аҳамияти бор. Ташкилот доирасида туркий халқларнинг маънавий бирлигини таъминлаш, муштарак қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, умумий бойлигимиз бўлмиш ноёб тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб этиш, буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш борасида кенг кўламли маданий-гуманитар дастурлар амалга ошириб келинмоқда.

Давоми 6-бетда

27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ ВА ОАВ МУНОСАБАТЛАРИ

### жамият ривожида қандай ўрин тутади?

**Ахборот алмашинуви тезкорлиги, сўз эркинлиги ва жамоатчилик фикри эътиборга олиниши, оммалашиши ҳамда бу соҳадаги рейтинглар эълон қилиб борилиши ҳам у ёки бу соҳа ривожига, имижига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Замонавий жамиятда давлат хизматчисининг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари билан алоқалари ривожланиши бу муносабатларни тартибга солишга оид қонунчиликни такомиллаштиришни, умуман, мазкур масалага алоҳида эътибор беришни талаб этади.**

Давоми 2-бетда

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

НУҚТАИ НАЗАР

# SPIN-OFF КОМПАНИЯЛАР

## Эрон тажрибаси Ўзбекистонда ҳам самара бермоқда



**Жамолиддин БОБОХОНОВ,
Инновацион ривожланиш агентлиги бошқарма бошлиғи**

**Ўзбекистон ташқи сиёсатда дўстлик ва ўзаро ишончли ҳамкорлик алоқаларини фаол кенгайтириш тарафдори. Охирги йилларда олий даражадаги ташрифлар сонининг ортгани, хорижий давлатлар раҳбарларининг юртимизга тез-тез ташрифи ана шу ҳамкорлик муносабатларининг янада ривожланишига хизмат қилмоқда. Асосийси, ушбу учрашувларда барча томонлар учун бирдек манфаатли битимлар имзоланяптики, натижада ҳамкорлик кўлами билан бирга, эришилаётган натижалар ҳам ортиб боряпти.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18 июнь куни Эрон Ислом Республикасига ташрифи давомида ҳамкорликни кенгайтиришга доир лойиҳаларнинг кенг пакети кўриб чиқилгани бунга мисол.

Эрон охирги ўн йилликларда фаннинг илмий-техник ривожланиши ва тижоратлаштириш бўйича ҳаракатларини сезиларли даражада оширганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу жараённинг асосий драйвери эса юқори технологияли, илмий ҳажмдор “Spin-off” компаниялари ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам ана шу тажриба асосида корхоналар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда самарали ишлаб келмоқда.

“Spin-off” илм-фан ва ишлаб чиқаришга инновацияларни жорий этиш, янги лойиҳаларни тижоратлаштириш кабиларни назарда тутади. Эронда spin-off компанияларининг аксарияти илмий-тадқиқот асосида фаолият олиб боргани боис, кўпинча университет ва тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда ишлайди. Уларнинг шаклланиши ва ўсиши давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, инвестициялар, грантлар ҳамда молиявий инструментлар билан таъминланмоқда.

Гап шундаки, spin-off компаниялари илмий кашфиёт ва технологик ишланмаларни тижорат маҳсулотлари ҳамда хизматларига айлантиради. Уларнинг фаолияти инновацияларнинг кенг тарқалиши, юқори сифатли иш ўринлари яратилиши ва инновацион тадбиркорликнинг ривожланишига хизмат қилади. Айни вақтда, улар Эронда илмий кашфиётларни тижоратлаштириш ва технологик ривожланишнинг манбасига айланган. Академик тадқиқотларни саноат технологияларига айлантирган ҳолда, инновациялар катализатори вазифасини ҳам бажармоқда.

Юқори технологияли spin-off компаниялари мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшяпти. Экспортни кўпайтириш, иқтисодиётнинг турли тармоқлари маҳсулдорлиги ва технологик даражасини оширишга ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, улар янги технологияларни жорий этиб бориши туфайли ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилишда ҳам катта таянчга айланган.

Масалан, Эроннинг нанотехнологиялар ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Fanavaran Nano-Meghyas” spin-off компаниясини олайлик. У ерда энергия, атроф-муҳит ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ишлатиладиган ноёб нанокомпозитлар ва наноматериаллар ишлаб чиқарилади. Компания ўзининг инновацион маҳсулотлари ва технологиялари туфайли халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашга эришди ва ҳозир нанотехнология соҳасида жаҳонда етакчилардан ҳисобланади.

Мамлакатдаги яна бир spin-off корхона — “Sodour Ahrar Shargh Co” эса тиббиёт жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Улар кенг турдаги маҳсулотлар, жумладан, юрак-қон томир касалликларига ташхис қўйиш ва даволаш тизимларини тайёрлаб, дунёнинг кўплаб мамлакатларига экспорт қилмоқда.

Эроннинг телекоммуникация соҳасида етакчи компанияларидан бири “Iran Telecommunication Manufacturing Company” ҳам spin-off технологияси асосида иш олиб боради. Компания кенг турдаги алоқа маҳсулотлари ва ускуналари, хусусан, рақамли телефон станциялари, оптик маълумотларни узатиш тизимлари ва мобиль алоқа воситаларини ишлаб чиқариб, жаҳон бозорида анча танилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон бу йўналишда Эрон билан ҳамкорликни йўлга қўйгани бежиз эмас. Чунки юқори технологияли spin-off компанияларини ривожлантириш тажрибаси илмий-тадқиқот фаолияти, технологик тараққиёт ва фанни тижоратлаштириш драйверига айланибгина қолмай, илмий-технологик ривожланиш иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ҳам ҳисса қўшиши мумкинлигининг муҳим намунасидир. Эроннинг бу борадаги муваффақияти инновациялар ва иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш учун фан ва технологиялар соҳасининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва уларга сармоя киритиш муҳимлигини тасдиқлайди.

Мамлакатимизда эса охирги йилларда айни шу жиҳатлар сезиларли фаоллашган. Илм-фан, инновацияларни рағбатлантириш, соҳани ривожлантириш орқали барча соҳаларни рақамлаштиришга эришиш мақсадида катта молиявий сармоялар киритиляпти. Эроннинг юқоридаги илғор тажрибасини ўзимизда қўллашдан кўзланган мақсад ҳам шундан иборат.

Қисқа муддатларда юртимиз ҳудудларида фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, тиббиёт, архитектура, туризм, ветеринария, энергетика ва металлургия соҳаларига оид spin-off корхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Жорий йил июнь ойи ҳолатига кўра, мамлакатимизда 17 та ана шундай корхона иш олиб боряпти. Улар томонидан 66 турдаги янги маҳсулот ҳамда хизмат кўрсатиш таклиф этилган бўлиб, 8 миллиард сўмлик сотув амалга оширилган, 2,5 миллион долларлик экспорт шартномалари тузилган. Асосийси, мазкур корхоналарда 300 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Масалан, Андижон вилоятида иш бошлаган “Ipak ko‘chat klaster” (spin-off) корхонаси навдор тут кўчатлари етиштирмоқда. Корхонани ташкил этишдан мақсад ҳам айнан юртимизда ипак қурти озуқа базаси сифати ва ҳосилдорлигини оширишдан иборат эди. Шу мақсадда инновацион корхонада биотехнология лабораторияси очилди. Ўтган йили “InnoWeek-2022” кўргазмаси доирасида мазкур корхона Қозоғистон Республикасининг “ACBC OIL” корхонаси билан умумий қиймати 2,43 миллион долларлик шартнома имзолашга эришди. Шартнома бўйича харидорга 2022-2027 йиллар давомида жами 27 миллион туп навдор тут кўчати етказиб берилади.

Самарқанд вилоятида эса “BioAgroVet” МЧЖ (spin-off) корхонаси фаолияти йўлга қўйилган. Улар импорт ўрнини босувчи ветеринария воситалари ишлаб чиқаради. Яна бир spin-off корхона — “UNIGEN” МЧЖ эса чорвачилик фермер хўжаликларига ташхислаш бўйича илмий-амалий хизматлар кўрсатиб келмоқда.

Тошкент вилоятидаги “BIOTON” МЧЖ (spin-off) корхонаси доривор ўсимликлар хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида экстрактлар олиш ва биологик фаол моддалар субстанцияларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ҳозирги кунда корхона томонидан маҳаллий истеъмолчиларга 845,2 миллион сўмлик маҳсулот етказилди. Россия ва Нидерландияга экспорт йўлга қўйилган.

Умуман, бугунги кунда юртимизнинг деярли барча ҳудудларида spin-off корхоналар фаолиятини кўриш мумкин. Улар инновацион технологиялар асосида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигининг яққол намунасидир. Тажрибанинг илмий ва иқтисодий натижадорлиги ҳам юқори. Мамлакатимизда ана шундай тажриба ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш фаоллашаётгани жойларда ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

# МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ 28 ИЮНДАН БОШЛАНАДИ

Бошланиши 1-бетда

Мажлисда Президент сайловини ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бўлинмаларининг бу йўналишдаги вазифалари белгилаб берилди. Шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш даврида Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган мурожаатлар бўйича кўрилган чоралар комиссия аъзолари томонидан муҳокама этилди ва қарор қабул қилинди.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Марказий сайлов комиссиясининг муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, 51 нафар кузатувчи аккредитациядан ўтказилди. Оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш юзасидан қабул қилинган қарорга мувофиқ эса, маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг 300 вакили аккредитация қилинди. Умумий ҳисобда аккредитациядан ўтказилган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг сони 854 нафарни ташкил этмоқда.

Мажлисда муддатидан илгари Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан 7-Самарқанд, 6-Наманган, 12-Хоразм, 5-Навоий ҳамда 10-Тошкент вилоят округ сайлов комиссияси раисларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни юқори ташкилий даражада ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ахбороти тингланди.

**Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

# ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ ВА ОАВ МУНОСАБАТЛАРИ

## жамият ривожида қандай ўрин тутади?

**Севара ЗОКИРОВА,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори**

> **Давлат хизматчиларининг оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик вакиллари билан муносабатларини тартибга солишга оид меъёрларнинг қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилиши давлат хизматчиларининг ҳам, жамоатчилик вакилларининг ҳам масъулиятини оширади.**

Бошланиши 1-бетда



Хориж тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Қозоғистон, Озарбайжон, Россия, шунингдек, Европа Иттифоқи давлатларида жамоатчилик орасида ўтказилган сўровларга кўра, давлат хизматчилари имижи деярли бир хил стереотип, яъни бюрократлар сифатида баҳоланади. Давлат идоралари ахборот хизматларининг бу йўналишдаги вазифалари муҳим. Улар нафақат идора ёки ташкилот имижи, балки тизимда фаолият юритаётган ҳар бир давлат хизматчисининг имижини шакллантиришга, улар жамоатчилик билан алоқаларини тўғри йўлга қўйишига ёрдам бериши лозим.

Албатта, давлат хизматчиларининг оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик вакиллари билан муносабатларини тартибга солишга оид меъёрларнинг қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилиши давлат хизматчиларининг ҳам, жамоатчилик вакилларининг ҳам масъулиятини оширади.

Юртимизда соҳага оид 10 га яқин қонун ҳужжати қабул қилинган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори алоҳида аҳамиятга эга. Қарор билан давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари тасдиқланди ва улар давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий маданияти, хизмат фаолияти давомида ҳамда хизматдан ташқари вақтда одоб-ахлоқи, ташқи кўриниши ва кийиниш услубининг намунавий қоидаларини белгилайди.

Аҳамиятлиси, ушбу қоидаларда илк бор давлат хизматчисининг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларига оид одоб-ахлоқ қоидалари белгиланди. Унга мувофиқ, давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини ОАВда ёритишга кўмаклашиши керак.

Давлат сиёсати ёки давлат органлари ҳамда ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги оммавий баёнотлар давлат органлари ва ташкилотлари раҳбари ёки мазкур йўналиш бўйича ваколатли мансабдор шахс томонидан амалга оширилади. Шунингдек, қоидаларда оммавий баёнот берилиши мумкин бўлмаган ҳолатлар ҳам аниқ кўрсатиб ўтилди. Хусусан, оммавий баёнот матни-мазмуни давлат сиёсати ёки давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига алоқадор бўлмаса, оммавий баёнотда келтириладиган ахборотлар давлат сирлари билан боғлиқ бўлса, оммавий баёнот бошқа давлат органлари ва ташкилотлари нуфузини пасайтириш ёки уларнинг мансабдор шахсларини камситишга йўналтирилган бўлса, оммавий баёнот берилиши мумкин эмаслиги қатъий белгиланди.

Албатта, давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишига кўмаклашиши керак. Бу билан ташкилот фаолиятининг очиқлиги таъминланади ҳамда турли шаклдаги ёлғон, нохолис ва ишончсиз ахборотлар жамоатчилик орасида тарқалишининг олди олинади.

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунга кўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига давлат органларининг, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа маълумотлар киради.

Давлат органларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тайёрлаш ҳамда тарқатиш вазифаси, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ҳамкорликни таъминлаш ташкилотнинг ахборот хизматига юклатилади. Ахборот хизмати оммавий тадбирларни ташкил этиш, ахборот хабарларини тарқатиш, шунингдек, давлат органларининг расмий веб-сайтида уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш ва янгилаб бориш йўли билан давлат органлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш чора-тадбирларини кўради.

Мисол учун, Германия тажрибасига назар солсак, мамлакатнинг ахборот эркинлиги тўғрисидаги қонунига кўра, давлат органлари ОАВ ва фуқароларга ташкилот фаолияти ҳақида маълумот беришга ҳамда сўралган тақдирда расмий ҳужжатларни тақдим этишга мажбур. Идора ва ташкилотларнинг ахборот хизматлари ҳам худди биздаги каби барча ОАВ ва ижтимоий тармоқлардаги ахборотлар мониторингини амалга оширади, пресс-релиз ёзади, матбуот анжуманлари ва брифингларга тайёргарлик кўради, мураккаб мавзуларни аҳолига тушунарли тарзда етказишга ҳаракат қилади.

Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидаларига мувофиқ, давлат хизматида жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида жамоатчилик томонидан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига оид айблов ёки танқид билдирилган тақдирда, давлат органлари ва ташкилотлари унга нисбатан билдирилган айблов ёки танқидга оммавий изоҳ ёки раддия бериши лозим. Агар оммавий баёнотда фуқаролар шаъни ҳамда қадр-қимматини камситадиган иборалар бўлса, давлат хизматчиси ўз фикрларининг янглишлиги ёки нотўғрилигини тан олиши ҳамда шаъни, қадр-қимматига ва ишчанлик обрўсига дахл қилинган фуқародан, агар қонун ҳужжатларида бошқа оқибатлар назарда тутилмаган бўлса, кечирим сўраши шарт.

Ташкилот фаолияти билан боғлиқ масалалар, жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлаётган муаммолар юзасидан оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик вакиллари давлат органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров юбориши мумкин. Давлат органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир, шунингдек, мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этиш тўғрисидаги сўрови кўпи билан етти кунлик муддатда кўриб чиқилади. Сўровни кўриб чиқиш давлат органлари ваколатига кирмаса, сўров сўралаётган ахборотни тақдим этиш ваколатига киритилган органга рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан уч иш куни ичида юборилади, ахборотдан фойдаланувчи эса бу ҳақда хабардор қилинади.

Расмий нашрларда, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ёхуд расмий веб-сайтларга жойлаштирилган ахборот сўралганда давлат органлари ахборот эълон қилинган расмий нашрнинг, оммавий ахборот воситасининг номи, чиқарилиш санаси ҳамда рақамини ёки сўралаётган ахборот жойлаштирилган расмий веб-сайтнинг электрон манзилини кўрсатган ҳолда ҳавола бериши мумкин. Сўров рад этилганда ахборотдан фойдаланувчига асослантирилган жавоб юборилади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан давлат органларининг жамоатчиликка ахборот бериш тизими мустаҳкамланган. Унга кўра, давлат органлари ва ташкилотлари ҳар йили 1 мартгача ўз фаолиятига оид ҳисоботни расмий веб-сайтларига жойлаштириб, 10 мартгача уни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида хабар бериши, 1 апрелгача ўз фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманларини ўтказиши лозим. Фармон билан давлат органлари Ўзбекистон Республикасининг очиқ маълумотлар порталига ва ўз расмий веб-сайтига жойлаштириб, уларни ҳар чоракда янгилаб борадиган маълумотлар рўйхати тасдиқланган.

Давлат идоралари фаолияти, давлат хизматчилари томонидан амалга оширилаётган муҳим лойиҳалар ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш билан бир қаторда, жамоатчилик фикрини мунтазам равишда ўрганиш ва мониторинг қилиш муҳим. Бу эса давлат хизматчиларининг жамоатчилик орасидаги имижини аниқлаш, келгусида жамоатчилик билан алоқалар жараёнида эътибор қаратилиши лозим бўлган йўналишларни, жиҳатларни белгилаб олиш ҳамда кўриладиган чора-тадбирлар натижасида давлат хизматчиларининг имижини оширишга кўмаклашади.

Давлат ташкилотларининг ахборот хизматлари қанчалик фаол ва замон талабларига мувофиқ ишламасин, давлат хизматчилари ўзлари онгли равишда масала моҳиятини англамагунча, зарур имижни шакллантириб бўлмайди. Бунинг учун эса давлат хизматчилари орасида мунтазам равишда медиасаводхонлик ҳамда имижиология каби йўналишлардаги билим ва кўникмаларини нафақат таълим муассасаларида, шу билан бирга, шахсий ривожлантириш режалари асосида ошириб бориш таклиф этилади. Бу эса комплекс, ҳар томонлама ўйланган ҳамда экспертлар фикри асосида ишлаб чиқилган ёндашувни талаб қилади.

Хулоса қилиб айтганда, жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан алоқага киришишда ҳар бир давлат фуқаролик хизматчиси учун аниқ қоидалар мавжуд. Одоб-ахлоқ қоидалари давлат хизматчисида юксак касбий маданиятни шакллантириш, жамоатчилик онгида давлат хизматига бўлган ҳурмат ва ишончни ошириш ҳамда давлат хизматчиларининг ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олишга хизмат қилади.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН МАМЛАКАТ




**Барчамиз учун ягона ватан — жонажон Ўзбекистонимиз тарихан жуда қисқа, олти ярим йиллик даврда инсонпарвар демократик давлатни барпо этиш борасида ғоят юксак марраларга эришди.**
**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Сайловолди дастури бош фалсафаси — инсон қадрини улуғлаш, халқ иродасини, орзу-умидларини рўёбга чиқариш. Унда ўтган йилларда мамлакатда қилинган ишлардан келиб чиқиб, кейинги босқичда амалга ошириладиган ишлар кўлами аниқ белгилаб берилмоқда.**

## Сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш — стратегик вазифамиз

Партиямиздан номзоднинг Сайловолди дастуридан ўрин олган бешта стратегик йўналишдан бири сифатида сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш этиб белгиланган.

Таъкидлаш кераки, охирги йилларда сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш, тизимга инновацион, замонавий технологияларни олиб кириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича тизимли ислоҳотлар амалга оширилди.

Номзодимиз ташаббуси билан “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепция”си тасдиқланди. Манзилли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида биргина 2022-2023 йилнинг биринчи чорагида 1,6 миллион аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланди, 3,4 миллион аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди.

Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ҳамда экин майдонларида қўшимча агротехник тадбирларни амалга ошириш, ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, “Ақлли сув”, сувни “онлайн” назорат қилиш, “Дайвер” рақамли қурилмаларни ўрнатиш каби вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш натижасида 295 километр узунликдаги каналлар ва улардаги 817 та гидротехник иншоотлар реконструкция қилинди.

2019-2022 йилларда пахта майдонларида сувни тежашга йўналтирилган томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган 5 мингдан ортиқ фермерга 138 минг 953 гектар майдонда ушбу технологияларни жорий этгани учун давлат томонидан 1 триллион 44 миллиард сўмдан ортиқ субсидия маблағлари ажратиб берилди.

Яхши маълумки, минтақамизнинг асосий сув артериялари бир неча мамлакатлар ҳудудини кесиб ўтган бўлиб, трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш қўшни давлатлар билан баҳамжиҳат, келишувда ишлашни талаб қилади.

Ушбу муҳим жиҳатни эътиборга олган ҳолда номзодимиз ташаббуси билан ҳозирда трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, Марказий Осиё мамлакатлари манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган минтақанинг трансчегаравий сув ресурсларини биргаликда бошқаришнинг ўзаро мақбул механизмлари ишлаб чиқилмоқда.

Чекланган ресурс ҳисобланмиш сувдан самарали фойдаланиш мақсадида партиядан номзодимиз ўз дастурида суғоришда сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш ишларини янада жадаллаштиришни таклиф этмоқда. Жумладан, ушбу таклифлар қаторида:

— 2030 йилга қадар экин майдонларини тўлиқ сув тежайдиган технологияларга ўтказиш;

— далаларга сув етказадиган объектларни фермер ва кластерлар бошқарувига бериш, сув етказиш тизимига ривожланган давлатлар тажрибасини кенг жорий қилиш;

— сув тежайдиган технологияни жорий қилган фермер ва деҳқонларни янада рағбатлантириш ва бунга 10 фоизли кредит ажратиш, ўз ҳисобидан жорий қилганларга эса, харажатнинг 50 фоизини қоплаб бериш тартибини жорий этиш каби таклифлар ўрин олган.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш илк бор Сайловолди дастурида энг муҳим йўналишлардан бири сифатида ўртага қўйилиши, қолаверса, бу борада мавжуд муаммоларни очиқ айтиш баробарида, уларни бартараф этиш бўйича аниқ ечимларнинг таклиф этилаётгани режалаштирилаётган ислоҳотларнинг халқ учун, халқ манфаатлари йўлида амалга оширилаётганининг яна бир ёрқин далили бўлди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Номзодимиз Сайловолди дастурида халқимизни ўйлантирган яна бир муҳим муаммо — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида ҳам сўз бормоқда.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш Шавкат Мирзиёевнинг муҳим сиёсий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириши билан бир қаторда иқлим ўзгариши, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва минтақавий ўзаро боғлиқлик борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларга ҳисса қўшаётганини алоҳида эътироф этди.

Номзодимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида эълон қилиш бўйича резолюцияси, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги махсус резолюцияси, БМТнинг Оролбўйи бўйича траст жамғармасини ташкил этиш бўйича тарихий қарори қабул қилинди.

Оролбўйи ҳудудида глобал экологик муаммонинг олдини олиш ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий яшаш тарзини яхшилашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 1,8 миллион гектар майдонда чўл ўсимликларининг уруғи ва кўчатидан “яшил қопламалар” ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилди. Бунинг учун ишчи-ходимлар ва аҳоли томонидан саксовул ва бошқа чўл ўсимликларининг уруғлари жамғарилди.

> **НОМЗОДИМИЗ ТАШАББУСИ БИЛАН “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2020-2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН КОНЦЕПЦИЯ”СИ ТАСДИҚЛАНДИ. МАНЗИЛЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ НАТИЖАСИДА БИРГИНА 2022-2023 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА 1,6 МИЛЛИОН АҲОЛИ ИЛК БОР ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ, 3,4 МИЛЛИОН АҲОЛИНИНГ ИЧИМЛИК СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ.**

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида охирги икки йилда жами 400 миллион тупдан зиёд манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди. Бунда сувсизлик ва қурғоқчиликка мос дарахт турларига алоҳида эътибор қаратилди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик бугунги кун талабларидан келиб чиқиб такомиллаштирилди.

Номзод Сайловолди дастурида бу соҳада 2030 йилгача бўлган даврда қуйидаги аниқ чора-тадбир ва режаларни амалга ошириш белгиланган:

— “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини янада кенгайтириш;

— яшил майдонларни кўпайтириш учун йилига 400 миллиард сўм ажратиб бориш орқали аҳоли масканлари, умуман, маҳаллаларда экологик муҳитни яхшилашга эришиш;

— давлат идоралари, корхоналар, олийгоҳларда ҳам ўзининг яшил боғларини ташкил қилиш;

— янги уй-жой қуришда пудратчиларга “яшил ҳудуд” ва автотураргоҳ барпо этишни мажбурий талаб қилиб қўйиш;

— 2030 йилгача республикада кўкаламзорлаштириш даражасини 18 фоиздан 30 фоизга етказиш;

— Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорларни келгуси етти йилда 2,3 миллион гектарга етказиш;

— Тошкент шаҳрида амал қилаётган бошқарув компаниялари фаолиятини бошқа ҳудудларда ҳам жорий этишга эришиш;

— барча қишлоқ ва шаҳарларни қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш, уларни қайта ишлашни эса камида 65 фоизга етказиш;

— муайян ҳудудга янги ҳоким тайинланганда, ўша ерда экологик аудит ўтказиш, натижаларини жамоатчиликка эълон қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш, бунинг эвазига ҳудуд аҳолиси ҳоким олдига сув ва ҳаво тозалиги, кўкаламзорлаштириш даражаси бўйича аниқ масала қўя оладиган тизимни яратиш.

## Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш

Суд-ҳуқуқ ва давлат бошқаруви соҳасида сўнгги олти ярим йиллик ислоҳотларни таҳлил қилар эканмиз, жамиятимиз ҳаётида адолат тамойилини том маънода қарор топтириш, одил судловга эришиш, шунингдек, давлат органларининг халқ дарди билан яшашини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Шулардан қуйидаги муҳим ўзгаришларни келтириш мумкин. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия қабул қилинди ва ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати тўлиқ бартараф этилди. Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди.

Узоқ йиллар оғриқли масала бўлиб келган “прописка” тизими тубдан ислоҳ этилди. Фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон фуқаролигини бериш, уларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишини таъминлаш мақсадида янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Натижада мамлакат ҳудудида доимий истиқомат қиладиган, фуқаролиги бўлмаган 75 мингга яқин шахсга Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш имконияти яратилди.

Судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, бу борада очиқ, ошкора ва муқобил танлов тизимини яратиш мақсадида Судьялар олий кенгаши таъсис этилди.

Фуқаролар ва юридик шахсларга давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини амалда тўлиқ рўёбга чиқариши мақсадида маъмурий судлар ташкил этилди.

Қамоқ тарзидаги жиноий жазо тури тугатилди. Шунингдек, жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтариш институти бекор қилинди.

“Хабеас корпус” институти қўлланишини янада кенгайтириш доирасида прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари судларга ўтказилди, шунингдек, судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқи берилди.

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Бош Қомусимиз ҳисобланган янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистонга ҳуқуқий давлат, деган таъриф берилди ва шу асосда инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар ҳам 3 баробар кўпайтирилди.

Бу ишларнинг мантиқий давоми сифатида халқ хизматидаги давлатни барпо этиш вазифаси Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий тамойилларидан бири этиб белгиланди.

Шу муносабат билан номзодимиз дастурида бу йўналишда қуйидаги вазифалар устувор деб белгиланди. Жумладан:

— рақамлаштириш орқали бюрократияни бартараф этиш принципини ҳаётимизга жадал олиб кириш;

— давлат хизматларини тўлиқ электрон шаклга ўтказиб, давлат бошқарувида мавжуд бўлган минглаб функцияларни босқичма-босқич рақамлаштириш;

— фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланиш учун мурожаат қилишида ортиқча формал тартибларни бекор қилиш, давлат идоралари зарур ҳужжатларни электрон базадан ўзи оладиган тизимини яратиш;

— ҳар бир маҳаллада электрон хизмат нуқталари ишга туширилиб, маҳаллаларни барча масалаларни “бир қадам” тамойили асосида ҳал этадиган масканга айлантириш;

— давлат томонидан фуқаролик хизмати тизимини рақамлаштириш ишларини жадаллаштиришга алоҳида аҳамият бериш;

— ҳокимларнинг Кенгашга раҳбарлик ваколати бекор қилиниши билан, уларнинг Кенгаш олдида, халқ олдида ҳисобдор бўлишини, масъулияти ва жавобгарлиги ошишини таъминлаш;

— ҳоким ва маҳаллий Кенгашнинг жавобгарлик доираси ва аниқ вазифалари белгиланган ҳолда, улар фаолиятида жамоатчилик иштирок этиши учун зарур шароитларни яратиш;

— мол-мулк ва ер солиқларини маҳаллада қолдириш;

— келгуси йилларда “Очиқ бюджет”га бериладиган маблағни 3 карра ошириб, 24 триллион сўмга етказиш бўйича чоралар кўриш;

— маҳалла раисларининг ваколат муддатини 3 йилдан 5 йилга узайтириш;

— очиқлик сиёсатини изчил давом эттириб, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш, ундан фойдаланиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқларини қатъий кафолатлаш;

— нодавлат нотижорат ташкилотларини янада қўллаб-қувватлаб, улар учун барча шароитларни яратиш.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш ҳамда сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш учун номзодимиз дастурида қуйидаги устувор вазифалар белгиланган:

— терговда шахс ҳуқуқини чеклашга санкция бериш масаласи алоҳида судьялар томонидан кўриб чиқилиши амалиётини йўлга қўйиш;

— одамларни “қамоққа олиб тергов қилиш” амалиётини камайтириш, бунинг ўрнига гаров эҳтиёт чорасидан кенг фойдаланиш имкониятини яратиш;

— қамоқдаги шахслардан олинган “айбни бўйнига олиш” ҳақидаги ариза далил сифатида қабул қилинмаслигини таъминлаш;

— жабрланувчининг илтимосига асосан, жиноят ишини қўзғатмасдан ҳам ярашиш имкониятини яратиш;

— жиноят содир қилган шахслар келгусида тузалиш йўлига ўтиши учун муқобил жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини кенгайтириш;

— солиққа оид жиноятлар бўйича тадбиркор суд ҳукми чиққунга қадар зарарни қопласа, жавобгарликдан озод этиш тартибини жорий этиш;

— тергов-суд жараёнида тадбиркорни ҳимоя қилишга Бизнес омбудсман ва Савдо-саноат палатасини жалб этишга оид янги тартибни ўрнатиш.

## Янги Ўзбекистон — хавфсиз ва тинчликсевар давлат

Янгиланган Конституцияда Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошириши белгиланган.

Ўтган йилларда Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида чуқур ўйланган ва конструктив ташқи сиёсат юритиш, хорижий давлатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Халқаро ҳамжамият нигоҳида мамлакатимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди, Янги Ўзбекистон дунёга очилди.

Марказий Осиё давлатлари билан ташқи савдо айланмаси ҳажми икки баробардан зиёдга ўсди, қўшниларимиз билан орамиздаги 25 йиллик “муз эриди”. Натижада кунига 30 минг одам ҳеч қандай тўсиқсиз чегарани кесиб ўтиш имкониятига эга бўлди.

Ташқи сиёсат соҳасида номзодимиз дастурига қуйидаги кенг кўламли вазифалар киритилган. Жумладан,

— Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатини фақат халқимиз ва давлатимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда олиб бориш;

— Ўзбекистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ташаббусларини халқаро майдонда фаол илгари суриш;

— қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини жадал ривожлантириш;

— Марказий Осиёда турли йўналишлар, айниқса, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, транспорт йўлакларини ривожлантириш борасидаги амалий ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш;

— хориждаги ватандошларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг юртимиз тараққиётида фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш;

— хориждаги ватандошларимиз орасида она тили, миллий маданият ва анъаналарни тарғиб этиш бўйича тизимли чоралар кўриш;

— ватандошларимизга дунёнинг исталган нуқтасидан мамлакатимиздаги давлат хизматларидан масофадан туриб фойдаланиш имкониятини яратиш;

— ташқи меҳнат миграцияси тизимини тўлиқ ислоҳ қилиб, хорижга ишлаш учун бораётган аҳолини касбга ва чет тилларига ўқитиш кўламини кенгайтириш;

— хорижда ишлаш истагидаги юртдошларимиз Европа ва Осиёнинг юқори ҳақ тўланадиган мамлакатларига ишга бориши учун давлат томонидан кўмак бериш тартибини жорий этиш;

— мураккаб вазиятга тушиб қолган юртдошларимизга ҳуқуқий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш;

— меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари давлатимиз доимий ғамхўрлигида бўлиши, уларнинг фарзандлари ўқиши ва олийгоҳларга киришида ҳам енгилликлар бериш бўйича чоралар кўриш.

Хавфсизликни таъминлаш масаласида ҳам Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини янада мустаҳкамлаш бош мақсад қилиб қўйилмоқда.

Охирги йилларда мазкур соҳада амалга оширилган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистоннинг мудофаа салоҳияти мустаҳкамланиб, Қуролли Кучларнинг жанговар таркиби ва шайлиги такомиллаштирилди. Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида сўнгги бир йилнинг ўзида 3 мингдан ортиқ ҳарбий уй-жой билан таъминланди.

Шу билан бирга, номзодимиз дастурида бу борада кейинги етти йилда қуйидаги чора-тадбир ва режаларни амалга ошириш белгиланган:

— Қуролли Кучларимизнинг қудрати, мудофаа қобилиятимиз ва ҳарбий салоҳиятимизни янада ошириш мақсадида миллий армиямизни 2030 йилга қадар энг замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника билан таъминлаш;

— ҳарбий-жанговар қудрат ва юксак маънавий салоҳиятни Ўзбекистон Қуролли Кучларининг икки буюк таянчига айлантириш;

— ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ғояси атрофида бирлаштириш бўйича алоҳида дастур асосида иш олиб бориш;

— давлатимиз рамзлари, хусусан, байроғимиз хонадонларда ҳам ҳилпираб туриши учун зарур ҳуқуқий асослар яратиш, уни миллий ғуруримиз тимсолига айлантириш.

**Биз юртдошларимиз, сайловчиларимизни Янги Ўзбекистонни биргаликда қуришга даъват этамиз. Зеро, Янги Ўзбекистон орзусини амалга оширишда энг катта таянчимиз, бу — халқ. Энг эзгу ниятимиз халқимизни бахтли ва фаровон кўришдир.**

**Номзодимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев учун овоз беришга чақирамиз!**

**Барно МИРЗАМОВА,**
**Бахитбай АЛДАМУРАТОВ,**
**Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари**

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА ОВОЗ БЕРИНГ!**




# Андижонда ихчам ГЭСлар иш бошлади

**Бугунги кунда кичик оқимдаги сувлардан унумли фойдаланиш орқали тоза ва арзон электр энергияси ишлаб чиқаришга бўлган талаб ошиб бормоқда. Ушбу жараёнда хусусий сектор вакиллари — тадбиркорлар ҳам иштирок этяпти.**



**Равшан БОЙҚУЛОВ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ахборот хизмати раҳбари**

Айни йўналишда янги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига юртимиз гидроэнергетика салоҳияти янада ортади ва арзон электр энергияси манбаини ишлаб чиқариш кескин оширилади. Шу мақсадда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан республика бўйича умумий қуввати 125 мегаватт, ўртача йиллик ишлаб чиқариши 675 миллион киловатт-соат бўлган 250 та микро ГЭС лойиҳаларининг манзилли рўйхати шакллантирилди.

Маълумки, гидротурбиналар тез оқим туфайли қувват ҳосил қилади. Сув қанча тез оқса, у ҳам шунча кўпроқ электр қуввати ишлаб чиқаради, қурилиш жараёнида ва фойдаланиш даврида табиий ландшафт ва атроф-муҳитни бузмайди. Сув сифатига салбий таъсир кўрсатмайди, у асл табиий хусусиятини йўқотмайди. Ихчам ГЭСлар ҳар жиҳатдан фойдали ва нисбатан арзон электр энергияси ишлаб чиқаришда қўл келади.

Ўтган ҳафта охирида Андижон туманининг Завроқ маҳалласидан ўтган каналнинг биринчи пикетида қуввати 200 киловатт, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1,2 миллион киловатт-соат бўлган микро ГЭС ишга туширилди. Эътиборли жиҳати, ушбу лойиҳа Андижон туманидаги 300 та хонадонни экологик тоза электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.

Лойиҳанинг умумий қиймати 3,4 миллиард сўм, хусусан, асбоб-ускуналар 1,9 миллиард сўм, қурилиш-монтаж ишлари 1,5 миллиард сўмни ташкил этди. Лойиҳанинг ўзини иқтисодий жиҳатдан қоплаш муддати 4,4 йил бўлиши прогноз қилинмоқда.

Аҳамиятли жиҳати, лойиҳалаштириш, қурилиш ҳамда ускуналарни ўрнатиш ишлари нисбатан қисқа вақт оралиғида, яъни 2 ойда амалга оширилишига муваффақ бўлинди. Бу вазифа “Ўзбекгидроэнерго” АЖ таркибидаги “Гидропроект” АЖ томонидан 10 кун муддатда ишлаб чиқилган бўлса, лойиҳа агрегатлари “Сувсаноатмаш” АЖ ишлаб чиқариш негизида, саноат кооперацияси асосида хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда бир ойда тайёрлаб берилди.

Олтинкўл туманидаги Улуғнор каналида қурилган ихчам ГЭС ҳақида ҳам шундай фикр айтиш мумкин. Қуввати 50 киловатт, йиллик ишлаб чиқариш қуввати эса 360 минг киловатт-соатни ташкил этган мазкур микро ГЭС 150 та хонадонни узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш имкониятига эга. Ушбу ГЭС учун чархпалак типидаги агрегатлар “Сувсаноатмаш” АЖда миллий бренд асосида ишлаб чиқарилган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, биргина Андижон вилоятида аниқланган дастлабки рўйхатга кўра, умумий қуввати 19 мегаваттдан иборат 52 та микро ГЭС қуриш режалаштирилган. Шундан, жорий йилда умумий қуввати 2 минг 130 киловаттли 7 та қайта тикланувчи энергия манбалари, хусусан, сув босимида ишловчи 3 та микро ГЭС, 2 та сув юзида сузиб турувчи кинетик гидроагрегат ҳамда 2 та чархпалак туридаги лойиҳанинг ишга туширилиши кўзда тутилган.

Энг муҳими, мазкур лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига маҳаллий ҳудудда узлуксиз электр энергияси таъминотига эга бўлиш билан бирга, салкам 40 та муқим янги иш ўрни яратилади.

Қурилиш-монтаж ишлари тендер савдолари орқали аниқланган маҳаллий пудрат ташкилоти томонидан 45 кунда амалга оширилади. Бундан ташқари, 2023-2024 йилларда Андижон вилоятида қуввати 6,9 мегаватт, ўртача йиллик энергия ишлаб чиқариш қуввати 33 миллион киловатт-соатга тенг “Жанубий Фарғона каналида ЖФК-3 ГЭС қурилиши” лойиҳаси амалга оширилиши белгиланган. Ушбу лойиҳани ишга тушириш орқали келгусида Булоқбоши туманидаги 14 минг хонадонни экологик тоза энергия билан таъминлаш мумкин бўлади.



Ҳудудларда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва Ҳиндистоннинг “МАКЛЕК” компанияси ўртасида сув юзасида сузиб турувчи кинетик турбинали инновацион гидроагрегатларни “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи остида тайёрлаш ҳамда амалиётга кенг татбиқ этиш мўлжалланган. Мазкур инновацион гидроагрегатлар ҳам республикада биринчи бўлиб айнан Андижон вилоятида — Хонобод шаҳридан ўтган Шаҳрихонсойда 2023 йилнинг июль ойида жорий этилиб, жами қуввати 800 киловатт бўлган 2 та агрегат ўрнатилади.

Вилоятда микро ГЭСларни кенг ривожлантириш учун барча зарур шароит мавжуд. Бунда маҳаллий ҳудуд табиати ҳам гидроэнергетикани изчил тараққий эттиришни тақозо этмоқда. Шу ўринда айтиш лозимки, микро ГЭСлар халқ учун нафақат узлуксиз электр энергияси таъминоти, доимий иш ўринлари, балки, хусусий тадбиркорлик субъектлари учун кафолатланган даромад манбаи ҳам ҳисобланади. Таклиф этилаётган лойиҳаларнинг ўзини қоплаш муддати ўртача 3-4 йилни ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, мазкур соҳа янада жозибадорликка эга бўлади.

Қолаверса, гидроэнергетика тараққиёти мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш қувватини ошириш билан бирга, янги қурилаётган ГЭСлар, модернизация қилинаётган гидротехник иншоотлар жойлашган ҳудудлар аҳолиси фаровонлиги ошишига, ишлаб чиқариш субъектларининг электр қувватлари билан мунтазам таъминланишига, юртимиз иқтисодиётининг янада тараққий этишига муҳим замин яратади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА



# “Қуёшли хонадон” фуқаролар давлатга электр энергияси сотмоқда

**ЖОРИЙ ЙИЛДА НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ҚУВВАТИ 77,2 МВТ БЎЛГАН ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИНИ ЎРНАТИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН БЎЛИБ, ҲОЗИР 345 ТА ИЖТИМОИЙ СОҲА ОБЪЕКТИ, 420 ТА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ ВА 716 ТА АҲОЛИ ХОНАДОНИГА ҚУВВАТИ 12,6 МВТ ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ЎРНАТИЛГАН. ОБЪЕКТЛАР СОНИГА НИСБАТАН ОЛИНГАНДА, УМУМИЙ РЕЖАНИНГ 80 ФОИЗИ ТЎЛИҚ БАЖАРИЛГАНИНИ КЎРИШ МУМКИН.**

Бошланиши 1-бетда

— Электр энергиясига ойига 50-60 минг сўмдан тўлаётгандик. Қуёш панели ўрнатганимиздан сўнг шу маблағ тежалиб, аксинча, ортиқча электр энергияси учун бизга пул ҳам тўлай бошлашди, — дейди Саломат ая.

Ҳа, бугун юртимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш бўйича ҳудудларда улкан ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, Кармана туманида лойиҳа қиймати 110 миллион АҚШ доллари, қуввати 100 мегаватт қуёш фотоэлектр станцияси қурилгани Ўзбекистон энергетика тизимидаги биринчи улкан қадам бўлди. 2022 йилда Нуробод туманида худди шундай қуёш станцияси ишга туширилди. Жорий йил якунига қадар Навоий вилоятида 500 МВтли шамол ҳамда Навоий, Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятларида умумий қуввати 3 647 МВтли қуёш фотоэлектр станциялари қурилиши белгиланган.

Президентнинг жорий йил 17 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори асосида 1 апрелдан бошлаб республика ҳудудларида аҳоли хонадонларига кичик қувватли қуёш панелларни ўрнатишни рағбатлантириш бўйича “Қуёшли хонадон” дастури амалга оширилмоқда. 2023 йилда 37 минг аҳоли хонадонида кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш режаланмоқда. Дастур доирасида жисмоний шахсларга тегишли объектларда ўрнатилган қуёш панелларида ишлаб чиқарилган ва ўз истеъмолидан орттириб ягона электр энергетика тизимига узатилган электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соатига давлат бюджетидан 1000 сўм тўланиши назарда тутилган. Шу билан бирга, ҳужжатда 2023 йилда фойдаланишга топшириладиган 765 та кўп қаватли уйни қайта тикланувчи энергия манбалари билан таъминлаш режалаштирилган. 1 майдан бошлаб эса фойдаланишга топшириладиган кўп қаватли уйлар томлари бўш қисмининг камида 50 фоизида қуёш панелларини ўрнатиш жорий этилди.

Навоий вилоятининг Кармана туманида ҳам дастур доирасида аҳоли хонадонларини қуёш панеллари ёрдамида электр энергияси билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилган. Туманнинг Зиёкор маҳалласидаги 15 га яқин хонадонда аллақачон қуёш панеллари ўрнатилиб, ўтган қисқа фурсат ичида аҳоли вакиллари унинг самарадорлигига амин бўлмоқда. Дўстлик маҳалласида яшовчи Анвар Иноятов ҳам хонадонига қуёш панелларини биринчилардан бўлиб ўрнатган ҳамюртларимиздан. Энергетика соҳасида фаолият юритиб келаётгани боис, “Қуёшли хонадон” дастурининг фойдасига тўла ишонган ҳолда келажакда муқобил энергия манбаидан фойдаланиш орқали қўшимча даромад топишни ҳам мақсад қилмоқда.

— Уйимизга қуёш панелларини яқинда имтиёзли кредит ҳисобига ўрнатдик. Электр энергияси сарфи тенг ярмига қисқарди. Аҳоли учун қулайлик жиҳатлари жуда кўп. Айни вақтда электр энергиясининг қолган қисмини сотишни режалаштиряпмиз. Бу борада мутахассислар бизга барча амалий кўмак бермоқда, — дейди Анвар Иноятов.

Ўзаро шартномага кўра, аҳоли хонадонларида ишлаб чиқарилган электр қуввати ҳудудий электр таъминоти корхонаси томонидан кафолатланган тарзда сотиб олинмоқда.

— Ушбу тизимнинг фойдали экани қуёш панели ўрнатилган хонадон мисолида аниқ кўринади. 2 ой аввал 2 КВтли ускуна қўйилган хонадон 40-50 минг сўмлик электр энергияси истеъмол қилган бўлса, ҳозир қуёш панели 200-250 минг сўмлик электр энергияси ишлаб чиқармоқда. Хонадон эгаси истеъмолидан ортган электр энергиясини давлатга сотмоқда, — дейди “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти Навоий филиали бўлим бошлиғи Ҳусниддин Хўжаев.

Жорий йилда Навоий вилоятида қуввати 77,2 МВт бўлган қуёш панелларини ўрнатиш режалаштирилган бўлиб, ҳозир 345 та ижтимоий соҳа объекти, 420 та тадбиркорлик субъекти ва 716 та аҳоли хонадонига қуввати 12,6 МВт қуёш панеллари ўрнатилган. Объектлар сонига нисбатан олинганда, умумий режанинг 80 фоизи тўлиқ бажарилганини кўриш мумкин.

Юқоридаги қарорга кўра, 2023 йил 1 апрелдан бошлаб қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ҳамда юридик шахслар томонидан умумий тармоққа сотган электр энергияси учун олган фойдасидан ҳисобланадиган фойда солиғини тўлашдан озод этилиши бўйича имтиёзлар берилган. Шунингдек, 1 мартдан бошлаб ягона электр энергетика тизимига уланиш учун берилган техник шартларда кўрсатилган қувватдан юқори бўлмаган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини электр тармоқларига улашда қўшимча техник шарт олиш талаб этилмайди.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири**

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

# Бугунги кунидан рози одамлар

**Юртимизда ҳар соҳада улкан ўзгариш ва янгиланишлар бўй кўрсатмоқда. Айниқса, ижтимоий кўмакка муҳтож қатламга давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлар уларнинг кўнглига ҳаловат ва хотиржамлик ҳиссини бераётир.**

**Қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқаришда янги қувватларни ўзлаштириш, қуёш панеллари учун ускуналарни маҳаллийлаштириш борасида ҳудудларда амалга оширилаётган ишлардан аҳоли жуда мамнун.**

— Хонадонимизнинг электр энергияси пулини қўлимиз калталик қилиб, ўз вақтида тўлай олмаган кунларимиз кўп бўлган. Ўша дамларда энди чироғимизни ўчириб кетади, қоронғуда юрак ҳовучлаб неча кун ўтирамиз, деган нотинч хаёллар билан неча йиллар бедор яшадик. Қишлоқ шароитида чироқ ўчса, ҳаёт тугаб қолгандай бўлади. Қоронғуда хира чироқ ёки шам ёруғида иложсиз ўтган кунларимиз бугун эртакка айланди. Энг муҳими, қарздорлик сабаб энди электр симларимиз тармоқдан узилмайди. Электр энергиясига сарфланадиган маблағимиз ҳам тежалади, чунки уйимиз томига қуёш панели ўрнатиб беришди, — дейди Қоракўл туманидаги Зарафшон маҳалласида яшовчи Ражавой Янгиева.

Бухоро вилоятининг Олот туманидаги “Халифа” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Толиб Худойназаров ҳам йиллар давомида бошидан кечирган ночор ҳаёти ташвишларини эслар экан, бугунги ёруғ кунлар учун мутасаддиларга алоҳида миннатдорлик билдирди:

— Энди уйимизга беминнат нур кириб келди. Биздай оддий одамларни ўйлаганларнинг бирига минг берсин. Электр токи ўчганида нима қилишни, фарзандларимга нима дейишни билмай, бошим эгилиб қоларди. Худди бир гуноҳ иш қилгандай. Етарли маблағимиз бўлмагани боис, электр пулини вақтида тўлай олмасдик. Монтёрлар “Катта қарзингиз бор экан, ўчиришга мажбурмиз” деб, симларимизни узиб кетарди. “Эй барака топгур, ўчирма, биз катталар-ку майли, шу болаларга раҳминг келсин, бир илож қилиб, пул топиб эрта-индин тўлармиз”, дея жавраб қолавердик. Худога шукр, у кунлар ортда қолди.

**СЎНГГИ ЙИЛЛАРДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ТУФАЙЛИ “ТЕМИР ДАФТАР” РЎЙХАТИДА ТУРУВЧИ ФУҚАРОЛАР ХОНАДОНЛАРИГА ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ЎРНАТИБ БЕРИШ МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ КЕНГ ҚАМРОВЛИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАГА АЙЛАНМОҚДА. ЎРНАТИЛАЁТГАН ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ХОНАДОНЛАРДА КУЗАТИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЭЛЕКТР УЗИЛИШЛАРИНИНГ ТЎЛА ОЛДИНИ ОЛАДИ.**

Дарҳақиқат, қуёш панеллари ва қайта тикланувчи муқобил энергия, қуёш сув иситиш воситаларидан фойдаланиш бугунги кунда энг самарали усул бўлиб, электр узилишларининг олдини олиш билан бирга, маблағларни тежаш ҳамда турли йўналишларда замонавий инновацион ғояларни татбиқ этишга имкон яратади.

— Дунё бўйича табиий захиралар камайиб, талаб тобора ошиб бораётган бугунги кунда тараққиётни мақсад қилган ҳар қандай давлат учун яшил энергияни ҳаётга кенг татбиқ этиш самарали ва сифатли йўл ҳисобланади, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти бўлими бошқаруви раиси Улуғбек Козимов. — Иқтисодиёт ривожланиб, ишлаб чиқариш корхоналарининг кўпайиши ҳамда аҳоли сонининг ортиши электр энергиясига бўлган талабни ҳам оширмоқда. Ушбу вазиятда энг муносиб ечим қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни оммалаштиришдир. Жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида Бухоро вилоятида “Темир дафтар”да рўйхатда турган 2 мингдан зиёд хонадонга “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти бўлими ҳузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуёш панеллари ва қуёшли сув иситиш коллекторлари ўрнатиб берилди. Жумладан, 120 та оилага қуввати 1 киловаттдан кам бўлмаган қуёш панеллари, 85 та оилага сиғими 100 литрдан кам бўлмаган қуёш иситиш коллектори ўрнатилди. Бу ишлар айни вақтда ҳам қизғин давом эттирилмоқда. Хонадонларга ўрнатилган қуёш панеллари соатига 1 киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга. Бу эса хонадондаги 10 та 12 ватт қувватли LED лампа, шунингдек, музлаткич ва телевизорни 24 соат давомида умумий электр тармоғидан ҳеч қандай электр энергиясини олмай туриб ишлатиш имконини беради. Албатта, амалга оширилаётган бу ишлар келгусида қайта тикланмайдиган ресурслардан оқилона фойдаланиш, яшил энергияни ҳаётимизга кенг татбиқ этиш, шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами учун муҳим аҳамиятга эга восита ҳисобланади.



Ҳа, сўнгги йиллардаги ислоҳотлар туфайли “Темир дафтар” рўйхатида турувчи фуқаролар хонадонларига қуёш панеллари ўрнатиб бериш мамлакат бўйлаб кенг қамровли долзарб вазифага айланмоқда. Ўрнатилаётган қуёш панеллари хонадонларда кузатилиши мумкин бўлган электр узилишларининг тўла олдини олади.

Айни дамда Бухоро вилоятининг бошқа туман ва шаҳарларида яшовчи эҳтиёжманд оилаларга қуёш панеллари ўрнатиб бериш қизғин давом этяпти. Бу олис ва чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар учун кутилмаган туҳфа бўляпти. Ушбу хайрли ва мақсадли ишлар “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти бўлими ҳузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармасининг 6,5 миллиард сўмлик маблағи ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида “Темир дафтар”да рўйхатда турган хонадонларга қуёш панеллари ўрнатиш ишлари жадал олиб борилмоқда.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

**Гуличеҳра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири**




ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

# НАВҚИРОН АВЛОД ВАКИЛЛАРИ

## келажагимиз таянчи, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи



**Дилнозахон КАТТАХОНОВА,**
**Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)**

Бошланиши 1-бетда

Соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар таҳлили ёшларнинг кенг қатламига дахлдор бўлган долзарб масалалар, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ишлар ўз самарасини бераётганини кўрсатмоқда.

Жойларда, авваламбор, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқариши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун кенг шароит яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифалар ҳал этилмоқда.

“Заковат” нодавлат нотижорат ташкилоти, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида таълим муассасалари ва маҳаллаларда интеллектуал олимпиадалар ҳамда ўйинлар, турли мавзуларда “Заковат QUIZ” ўйинлари, “Кубик-рубик” мусобақалари, “Бешикдан то қабргача илм изла!” шиори остида заковат, шахмат бўйича рокировка турнирлари, илм-фан соҳаси вакиллари билан учрашув ва маҳорат дарслари ташкил этилди.

Ойлик доирасида ўтказилган “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг республика босқичларида спортнинг стол тенниси, шашка, енгил атлетика, стритбол, стритворкаут турлари, касб-ҳунар (тикувчилик, қандолатчилик, ошпазлик, ҳунармандчилик ва сартарошлик) ва рақс мусобақаларида 7938 нафар йигит-қиз иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган 900 нафардан ортиқ иштирокчи муносиб рағбатлантирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари маҳаллаларида маънавият-маърифат тарғибот гуруҳлари томонидан “Маърифат соати”, “Миллий қадриятлар”, “Меҳр-мурувват ва саховат”, “Сиз севган қаҳрамон”, “Маърифат оқшомлари” лойиҳалари орқали икки юз мингга яқин ёшлар қамраб олинди.

“Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида ҳудудларда ўтказилган йирик гала-концерт ва оммавий ёшлар сайилларида 1 миллиондан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Ўтказилаётган бу каби тадбирлар йигит-қизларнинг интеллектуал салоҳияти ошиши, ҳар жиҳатдан камол топишига хизмат қилаётир. Навқирон авлод вакилларида юртда бўлаётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси, фаол фуқаролик позицияси шаклланаётир.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Мамлакатимизда 30 июнь — “Ёшлар куни” муносабати билан, жорий йилнинг июнь ойи “Ёшлар ойлиги” деб эълон қилинди. Республиканинг барча ҳудудларида “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида ёшлар фестивали ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Хусусан, 3-10 июнь “Ҳарбий-ватанпарварлик”, 12-17 июнь “Интеллектуал ўйинлар”, 19-24 июнь “Спорт-саломатлик”, 26-30 июнь кунлари эса “Маданият, санъат ва туризм” ҳафталиклари этиб белгилаб олинди.

Бугунги кунга қадар маҳалла ва туман (шаҳар)ларда жами 13 406 та тадбир, лойиҳа, оммавий ёшлар сайиллари ва гала-концертлар ўтказилиб, 2,4 миллион нафардан ортиқ ёшлар қамраб олинди.

Жумладан, ойликнинг “Интеллектуал ўйинлар” ҳафталигида маҳалла-сектор-туман кесимида 6278 маротаба турли лойиҳа, танлов ва мусобақалар ташкил этилди.

“Ёшлар ойлиги” тадбирлари режа асосида республиканинг барча маҳаллалари, туман ва шаҳарларида 30 июнга қадар ташкил этилади. Жумладан, 20-23 июнда Сирдарё, 21-24 июнда Наманган, 22-25 июнь кунлари Андижон вилоятларида ўтказилади.

Барча ислоҳотлар ёш авлоднинг билимли, касб-ҳунарли, ҳур фикрли бўлиб вояга етиши, муносиб даромад топишида барча зарур шароит ва имкониятлардан фойдаланиши учун амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг ёшлар билан ишлаш борасидаги тажрибаси хорижий мамлакатларнинг ёшлар ташкилотлари ва экспертларининг эътирофига сазовор бўлиб келмоқда. Ўзбекистон ёшлар мамлакати сифатида халқаро майдонга чиқмоқда. Бу имкониятларни юксак қадрлаш ва улардан самарали фойдаланиш, мамлакатимиз тараққиётига билим ва меҳнатимиз билан ҳисса қўшиш барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР



# ФИНЛЯНДИЯ ТАЖРИБАСИ: УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ МУВАФФАҚИЯТИ

## ўқитувчилар тайёрлаш тизимига боғлиқ

**Одил ҚЎЙСИНОВ,**
**Халқаро Нордик университети проректори, педагогика фанлари доктори, профессор**

**Феруза ҲАМРОЕВА,**
**Ўзбекистон-Финляндия педагогика институти доценти**




Бошланиши 1-бетда

Чунки муаллим илмли, маърифатли йигит-қизларни тарбиялаш, ўқувчиларни турли соҳаларга йўналтириш, узлуксиз таълим жараёнидаги ислоҳотларни рўёбга чиқариш, билимли ва малакали янги авлод кадрларини етиштириш, хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиш, ўқитиш методикаси, шакл ва методларини қўллашга масъул шахсдир. Шу боис, ўқитувчиларни тайёрлаш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш, халқаро таълим тизимидаги илғор ислоҳотларни таҳлил этиш долзарбдир. Айни пайтда дунё мамлакатлари педагоглари эътиборидаги ўқитиш тажрибаси Финляндия таълим тизимида мужассам. Зеро, ўн йилдан ортиқ вақт давомида бу давлатдаги 15 ёшли ўқувчилар PISA халқаро баҳолаш дастурида мунтазам энг яхши натижаларни кўрсатмоқда.

Финляндиянинг муваффақияти ўқитувчилардир. Юқори сифатли машғулот ўтказиши учун уларнинг мақоми ва мустақиллиги таъминланган. Таълим сиёсати мақсадли равишда тенгликка йўналтирилган. Шунингдек, мактаблар устидан назорат марказлашмагани ҳам асосий омилдир.

Ҳозир Финляндияда йигирмата университет (шундан ўнтаси педагоглар тайёрлайди) ҳукумат томонидан молиялаштирилади. Ўқув дастурларини тузиш ҳуқуқи ва масъулияти маҳаллий муниципалитетлар ва мактаблар зиммасида. Қонунчиликка кўра, таълим берувчилар ўқув дастурини маҳаллий соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар масъулияти юкланган идоралар билан ҳамкорликда “мактабнинг иш муҳити, маҳаллий қиймат танлови ва махсус ресурслар”ни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиши шарт. У нафақат умумий таълимнинг юқори стандартлари, балки бутун жамиятнинг биргаликда белгиланган мақсад ва тартибларга содиқлигини таъминлайдиган тарзда амалга оширилади.

Финляндияда ўқитувчилар учун таълим дастурини шакллантириш муҳим омил. Ўқитиш тизимининг яна бир муҳим хусусияти ишонч ва ҳамкорлик маданиятига таянади. Мамлакат мактабларидаги ўқитувчиларни маълумоти ва ихтисослиги бўйича мактабгача таълим ўқитувчиси, ҳунармандлик ва технология фани ўқитувчиси, мусиқа ўқитувчиси каби тоифаларга бўлиш мумкин. Бироқ ҳар бир тоифадаги муаллимлар турли ўқув дастурлари асосида тайёрланади.

1970 йилда “Ўқитувчилар таълими тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши билан Финляндия ўқитиш тизими муваффақиятида асосий ўрин эгаллаган муҳим ислоҳот амалга оширилди. Янги ташкил этилган умумтаълим мактаблари учун ҳам, ўрта мактаблар учун ҳам ўқитувчилар тайёрлаш олий ўқув юртларига топширилди. Аксар университетлар икки бўлимга бўлинган: умумий илмий ва фан соҳасидаги таълим ҳамда педагогик таълим йўналишлари. Биринчисида умумий илмий ва фан-таълим соҳасида тадқиқот ўтказиш ва режалаштиришдаги муаммолар устида ишлаш асосий йўналиш сифатида белгиланган. Иккинчисида эса педагогика таълимига, яъни ўқитиш ва ўқитувчилар таълими соҳасидаги тадқиқотларга эътибор қаратилди.

Бугун Финляндияда ўқитувчилар таълими кучли тадқиқотга йўналтирилгани ва ҳамкорлик мавжудлигини кўриш мумкин. 1979 йилда ўтказилган кейинги ислоҳотдан сўнг умумтаълим мактаблари ва ўрта мактаб ўқитувчилари учун зарур бўлган минимал малака тахминан беш йиллик ўқув ва амалий ишларни талаб қиладиган магистр даражаси сифатида белгиланди. Бу уч асосий мақсадга хизмат қилди: биринчиси, бошланғич ва ўрта мактаб таълимини бирлаштириб, уларнинг иккаласига ҳам “умумий ўзак” берди; иккинчиси, бошланғич даражадаги ўқитувчилар юқори академик стандартларга жавоб берадиган бўлди; учинчиси, юқори ҳамда ўрта мактаб ўқитувчилари ҳам педагогика фанлари бўйича тайёрланди.

Ўқитувчилар учун ўқув дастурининг бир неча тамойиллари мавжуд. Мустақиллик, масъулият ва ишонч. Финляндия педагогик таълими замирида “барча даражадаги ўқитувчилар нафақат мустақил мутахассис, балки соҳаси бўйича профессионал бўлиши керак”, деган ишонч ётади. Шу боис, турли муаммолар (педагогик, маъмурий, оила ёки жамоа билан боғлиқ, ҳатто маҳаллий саноат билан алоқалар) мустақил, ҳамкасблар ва маҳаллий ҳамжамият билан ҳамкорликда ечилади.

Ўқитувчида бу фазилатларнинг ривожланиши, бир томондан, педагогликни Финляндияда энг кўп талаб қилинадиган ва нуфузли касблардан бирига айлантирган бўлса, иккинчи томондан, маъмурлар ва сиёсатчиларга ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва ўқувчиларни баҳолаш вазифаларини муаллимларга деярли тўлиқ топшириш имконини берадиган ишончни пайдо қилди. Ўқитувчилар ва мактаб директорлари ўқув дастурларини ишлаб чиқишда асосий роль ўйнайди. Педагогик таълим уларга ўқув дастури бўйича яхши ривожланган билим ва режалаштириш кўникмаларини беради. Бундан ташқари, ўқув дастурларини лойиҳалаш касбий ривожланишни тизимли, назарий жиҳатдан такомиллаштиришга ёрдам беради.

Мустақиллик масъулият ва ишонч тамойили билан боғлиқ бўлиб, ушбу тамойил ортида турган иккита асосий мақсадни ажратиб кўрсатиш муҳим. Биринчиси, бўлғуси ўқитувчиларга соҳасидаги сўнгги тадқиқотлардан хабардор бўлиш, шунингдек, янги билимларни қўшиш имконини беради. Иккинчиси, амалиёти ҳақида фикр юрита оладиган ўқитувчиларни ривожлантиришни назарда тутади. Бўлғуси фан ўқитувчилари учун тадқиқотга асосланган педагогик таълимнинг мақсади “Ўқитувчиларга мустақил фикрлаш ва мантиқий далиллар орқали амалда дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашишдир”.

Талабалар одатда қизиқиши юқори бўлган университетларга ҳужжат топширади. Агар 2-курсда белгиланган мезонларга жавоб берса, уларга педагогик таълим йўналишларида ўқиш таклиф этилади. Буни танлаганлар 3-курсдан педагогика фанидан битта курсни ва бошқа мактаб фанларидан камида биттасини танлаб ўқий бошлайди. Бунинг натижасида кўпчилик фан ўқитувчилари одатда камида иккита фандан дарс бериши мумкин

Финляндия ва Ўзбекистондаги ўқитувчилар таълимини қисқача қиёсий таҳлил қилсак, қатор фарқларни кўриш мумкин. Масалан, Финляндияда мактабгача таълим ташкилотлари (боғчалар)да ишлаш учун бакалавриат даражаси талаб этилади. Мактабда синф ўқитувчиси бўлиб ишлаш учун педагогика университетининг магистратура бўлимини тугатган бўлиши шарт. ОТМни тугатмаган талаба ўқув муассасаларида дарс бериш ҳуқуқига эга эмас. Мамлакатимиз мактабларида ўқитувчилик қилаётган кадрларнинг аксарияти бакалавриат даражасига эга. Мактабгача таълим ташкилотлари (боғчалар)да эса ўрта махсус маълумотга эга кадрлар кўп. Шунингдек, ОТМни битирмаганларнинг ҳам мактабларда дарс беришига рухсат этилган.

Финляндия таълим тизими кучли ишонч ва очиқлик асосига қурилган. Ўқитувчилар таълим сифати ва самарадорлигига масъул этиб белгиланади ва уларга ишонч билдирилади, фаолияти назорат қилинмайди. Бизда ўқитувчининг таълим беришдаги фаолияти, дарс сифати ва самарадорлиги доимий назоратга олинган. Таълим муассасалари раҳбарлари томонидан олиб бориладиган дарс таҳлиллари ўқитувчи фаолиятини назорат қилишга асосланган. Финляндияда ўқитувчилар фаолияти таълимга оид сўнгги тадқиқотларга қаратилган. Педагоглар доимий равишда ўз устида мустақил ишлайди, илмий изланишлар қилади. Бизнинг мактабларда таълимга оид илмий тадқиқотлар қилаётган муаллимлар саноқли.

Таълим жараёнининг назарий жиҳатлари Финляндияда амалиёт билан қаттиқ интеграциялашган. Мактабгача, мактаб ва олий таълимдаги ислоҳотлар асосчиси ўқитувчилар ҳисобланади. Улар мавжуд Миллий дастурни бойитиш, қўшимчалар киритиш ёки тубдан ўзгартириш ҳуқуқига эга. Мамлакат таълим тизимига Миллий дастур кўрсатма сифатида берилади. Мазмун-моҳиятини бойитиш, ўзгартиришлар киритиш, мавзулаштириш профессор-ўқитувчилар томонидан амалга оширилади. Бизнинг мактабларимизда эса назарий билим кучли берилади, аммо ўқувчиларнинг олган тушунчасини амалиётда қўллаш жараёни суст боради. Ўқитувчилар тайёр дастур асосида дарс ўтади. Таълим бериш жараёнида дастурда кўрсатилган мавзулардан четга чиқилмайди.

Финляндия таълимининг муваффақияти ортида тенглик, изчил ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлар ётади. Ҳозирги таълим тизимининг баъзи асосий хусусиятлари 1960-йилларнинг охири ва 1970-йилларда ўқитувчилар таълимидаги ислоҳотлар билан боғлиқ. Улардан бири “миллийлаштирилган, стандартлаштирилган” тестларни бекор қилиш эди. “Фин мактаблари ўқувчилар муваффақиятини аниқлаш учун стандартлаштирилган тестлардан фойдаланмайди. Бунинг учта асосий сабаби бор. Биринчидан, баҳолаш амалиёти миллий ўқув дастурида яхши асосланган бўлса-да, Финляндияда таълим сиёсати мактаблар фаолиятининг муҳим қисми сифатида индивидуал таълим ва ижодкорликка юқори устуворлик беради. Шунинг учун ҳар бир ўқувчининг мактабдаги муваффақияти статистик кўрсаткичлардан кўра, кўпроқ унинг индивидуал ривожланиши ва қобилиятига қараб баҳоланади. Иккинчидан, таълимни ишлаб чиқувчилар ўқув дастурлари, ўқитиш ва мактабларда тест ўтказиш эмас, балки ўқитувчиларнинг амалиётини кучайтириш кераклигини таъкидлайди. Финляндия мактабларида ўқувчиларни баҳолаш таълим жараёнига киритилган бўлиб, бутун ўқув йили давомида педагоглар ва ўқувчилар фаолиятини яхшилаш учун қўлланади. Учинчидан, мамлакатда ўқувчиларнинг академик кўрсаткичини аниқлашга ташқи баҳоловчиларнинг эмас, мактабнинг масъулияти сифатида қаралади. Демак, мамлакатимиз таълим тизимидаги муаммоларни бартараф этиш учун илғор миллий ва хорижий тажрибалар, халқаро баҳолаш дастурлари талабларини инобатга олган ҳолда ўқув дастурлари, ўқитиш методикаси ва таълим сифатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, ўқитувчиларга ишончни орттириш, педагогларнинг ўз ишига масъулиятини ошириш жуда муҳим.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.







ЭССЕ

# Ватан манзумаси кўчган юраклар

Шодмонқул САЛОМ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



**Даштда туяқорин деган ўсимлик бор. Тиканакли бутасимон бу ўсимликнинг илдизи жуда мўрт бўлади. Сал шамолга ҳам томири узилади-да, лопиллаб учиб-юмалаб сойларни тўлдириб ташлайди. Бу гиёҳ тўйимли емиш ҳам саналмайди, ёқсанг бир уюмига чой ҳам қайнамайди. Пояси пўк, мўрт... Оқибат, юмалаб юриб-юриб бир овлоқ жилғада чириб кетади...**
**Табиий, ҳар бир катта-кичик гиёҳнинг томири бор. Шу томир отган жойи унинг манзил-макони, дейлик, ватанидир.**

Одам-чи... одам оёғи бўш мавжудот, дунёнинг ҳар гўшасида яшайди, турли шаҳар-у овулларни кезиб чиқади. Аммо қачондир туғилган манзилига қайтиб келади ёки қайтиш умиди билан яшайди. Гарчи одамнинг ўсимлик, дарахт каби илдизи йўқ. Шундай бўлгач, одам юртдан олисда нега сувсаган майсадай қовжирайди, нега туғилган маконини қўмсайверади. Ҳамма жойда яшашга шароит топиши мумкин-ку? Менимча, одамнинг кўзга кўринмас илдизи шу манзилу маконга туташган. Шу жойга томир отган. Одамнинг илдизи ватан тупроғига юрагидан бошлаб томирлаган. Йўқса, қаерга қўлини чўзса етгулик ҳазрат Бобурдай азим зот бир тилим Андижон қовунининг бўйини қўмсаб ўртанмас эди.

* * *

Кўпчиликнинг хабари бор, дастлаб пойтахтимиздаги "Анжуманлар саройи" ва "Туркистон" саройида, сўнгра бутун республика бўйлаб "Ватан манзумаси" номли театрлаштирилган назм ва наво томошаси намойиш этилди. Ушбу ижодий жараёндан минглаб юртдошларимиз қаторида ўзим ҳам катта таассурот олдим, она юртни ўзгача нигоҳ билан кўра бошладим. Бу тадбирнинг муддаоси ҳам айни шу — тобора тансиқлашиб, айрим хашаки талқинлар сабаб, сийқалашиб бораётган ватан, ватанпарварлик туйғусини янада кучайтириш эди. Назаримда, режиссёр Ҳайдарали Қосимов бошлиқ жамоа бу мақсадни уддалай олди. Аммо бир нарса ойдинлашдиям: бу каби чинакам, профессионал томоша ишлари мунтазам бўлиши керак экан! Ёшлар ўзлари эргашадиган, ҳавас қиладиган шахслар билан тез-тез кўришиб туриши зарур экан.

Айни дамда гап бевосита бу тадбир ҳақида эмас, аммо ҳеч вақтда эскирмайдиган, ташлаб қўйиб бўлмайдиган масала — ватанпарварлик ҳисси билан уйғун айрим мулоҳазаларимга ҳам шу тадбир сабаб бўлди.

* * *

Кейинги пайтда қулоққа кўп чалинган гаплардан бири тахминан шундай бўлаётир: "Ватанпарварлик, маънавият мавзуларини кўп муҳокама қилдик, сийқасини ҳам чиқариб юбордик..."

Шунга ўхшаш фикрлар ижтимоий тармоқларда ҳам айланиб юради.

Бундай гап-сўзларга дуч келсам, юқорида тилга олинган тадбирлар асносидаги айрим воқелар эсимга тушади ва уларни чоғиштириб қуйидаги фикрларга тўхталаман.

* * *

Термиз шаҳридаги Санъат саройида дастуримиз бошланишидан сал аввал сарой айвонига чиқдим. У ерда тўпланиб турган университет талабаларининг суҳбати эътиборимни тортди:

— Нима бўларкан ўзи, қанақа тадбир экан? — деди улардан бири шерикларига.

— "Ватан манзумаси" деб ёзган-ку! Қўшиқ бўлса керак-да. Ғиёс Бойтоевни кўрдим.

— Ғиёс Бойтоевнинг концерти эмасми?

— Йўғе... бу ватан ҳақида концерт.

— "Ватан, ватан" деб энсани қотирар экан-да, яна...

— Кетдикми, бўлмасам...

— Домла қараб турибди, қочмайлик...

— Кириб кўрайликчи...

Болаларни эслаб қолишга ҳаракат қилдим. Ўтирган жойларини ҳам ўзларига сездирмай аниқладим.

— Сизнинг шеърингиз ҳам зўр экан. Ўзингиз ёзганмисиз?

— Ҳа, бир ўзим, — дедим ҳазиллашиб, сўнг давом этдим, — "Ватан, ватан" деб энсани қотирсаям кириб туриш керак шундай тадбирларгаям... — Талабаларга ўз гапларини кесатдим.

Шу гапни айтган йигитча, ерга қаради-да:

— Энди, билмагандик-да бундай яхши концертлигини...

Уларнинг таассуроти менга ҳам таъсир қилди... демак...



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Тадбир тугагач, фойеда ўша йигитларга тағин дуч келдим. Ҳарқалай кетиб қолмаган экан. Ёнига бордим-да, гап қотдим:

— Қалай бўлди, тадбир ёқдими?

Улар мени саҳнада кўргани учун дарров танишди ва қимтиниброқ ёнимга келишди.

— Зўр бўлди. Жуда ёқди. Айниқса, марҳум аскарларнинг хотирасига бағишланган жойи.

* * *

Андижон шаҳрида кечки пайт ифторлик маҳали овқатланиш учун машиналарда чойхонага йўл олдик. "Оғиз очар"га беш-ўн дақиқа қолган эди. Уловимиз светофорда тўхтади. Светофорда сув, арабий хурмо тарқатиб, савоб умидида юрган бир неча йигитлар йўловчиларга беминнат хизмат кўрсатарди. Бу яхши одат, эзгу иш, албатта. Сув тарқатаётганлардан бири, тим қора соқоли ўзига ярашган йигит мен тарафдаги очиқ ойнадан сув узатди ва "Марҳамат, бемалол!" деди ва шошиб нари кетди. Ярим литрлик сув идиш сиртига "Дуо қилинг, Гринкард чиқсин!" деб ёзилганини сувни олиб бўлгач кўрдим... очиғи, рўзадор қалбим ўртаниб кетди...

* * *

Жиззах шаҳрида тадбирдан сўнг, томошабинлардан бири таниқли санъаткор Шоҳида Исмоилова билан суратга тушаркан, улардан берироқдаги яна бир аёл шундай деди:

— Шоҳида опанинг она сиймоси барибир бошқачада... бу кишида ҳақиқий ўзбекка хос истара бор...

— Рихси Иброҳимовадан кейин саҳнада ҳақиқий онани ҳам кўрмай қолганди, одам...

* * *

Ушбу фикр-таассуротлардан бир нарсани теран илғадим. Бизнинг — маънавият, маданият соҳаси вакилларининг халқимиздан қарзи жуда катта экан. Бу соҳа вакилларининг қилиши лозим бўлган ишлари бисёр экан ҳали. Шоир Муҳаммад Юсуфнинг бир сатри миямда айланди:

*Ёмон шеър ёзсанг ҳам,*
*бошингни силаб,*
*"Кам бўлма, болам",*
*деб яшайди ўзбек...*

Шу халқнинг бир бўлагинигина кўрдим мен. Уларнинг кайфияти, йигит-қизларнинг қизиқиши, интилишларини илғадим. Бу инсонларнинг бўғзида турган, айтишга андиша ёки ҳайиқиш йўл бермаётган сўзларни тингладим. Дилим оғриган бўлса, ўзимдан оғриди, кўнглим тўлмаган бўлса, ўзимни айбдор сездим. Термизлик йигитчанинг "ватан-ватан" деганда энсаси қотишига ҳам, андижонлик, барқ уриб турган ҳаёти ҳали олдинда бўлган ўғлоннинг энг катта орзуси "Гринкард" эканини ҳам, она сиймосини, ҳақиқий қаҳрамонларни, асл ўзбекни соғинган томошабинларни ҳам тушундим. Улар бошқа сайёра ёки ўзга мамлакатдан келиб қолмаганини, билъакс, ўзимизнинг жондошлар эканини ҳис этароқ, елкамдаги юкнинг залворини теран туйдим. Марказий Осиёнинг қарийб ярим аҳолисини ташкил этадиган, бир пайтлар илм-фани, маданияти дунёни тебратган диёрнинг бугунги фарзандларида чинакам ғурур, ифтихор туйғуси такрор мавж урмоғи учун қанчалар катта вазифамиз борлигини ҳис этдим.

Сўз аввалида эслаганим — бутасимон ўсимликдай ҳар томонга сочилиб, ватан деганда, куни ўтган, шароити бир оз яхшироқ манзилни тушунадиган, уруш, очлик, мустабид муҳит сабаб шу ҳолга келиб қолган миллионлаб ўзга халқларнинг тақдирини кўриб турган палламда, икки дарё оралиғидаги маърифат диёрида бошқача бир халқ, кенгфеъл, матонатли, бардошли, ҳамиша яхши гумонда бўладиган, яхшилик соғинадиган одамлар борлигини туйқус чуқур англадим. Бу одамларга хизмат қилиш ҳам саодат эканини оз бўлса-да, тушунгандек бўлдим.

"Энг катта ватанпарварлик масъулиятни ҳис этишдир", деган ажойиб фикрни ўқигандим. Бугунги олатасир дунёда, глобаллашув довули миллат, ватан каби табаррук тушунчаларни топтаб, бутун бошли миллатларни "туяқорин"дай ҳар томонга учириб юбораётган бир даврда яшаяпмиз. Шундай вақтда бир оддий, аммо улуғ савол кўнглимга келади: Биз учун энг муқаддас, жонни ҳам тикишга арзийдиган нарса нима?

Бу саволга миллионлаб ўзбекнинг кўнглида битта жавоб уйғонади: шу ВАТАН...

Балки, овоз чиқариб айтмас, баралла айтишга андиша қилар, аммо мазмун битта бўлади: ВАТАН!

Бу содда, самимий одамларнинг қалбидаги ватан ҳиссининг сийқаси чиқмайди, бу ватан ундовларга суянмайди, чин юракдан бўлади. Уларнинг аксарияти бу мукаррам диёр бир кунда, ўз-ўзидан бунёд бўлмаганини, ўз-ўзича барқарор ва тинч бўлиб турмаганини яхши биладилар.

Ана шу халқнинг қалбига кўчган манзуманинг номи ҳам ВАТАНдир!

ҲАМКОРЛИК

# ИЛДИЗЛАРИ ТУТАШ ҚАДИМ МАДАНИЯТ

Бошланиши 1-бетда

Ҳамкорликнинг амалий самараси сифатида юртимизда "Туркий адабиёт дурдоналари" деб номланган 100 жилдлик китоблар туркуми нашр этилгани, унга Ўзбекистон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркманистон ва Венгрия давлатларидан жами 450 дан зиёд мумтоз ва замонавий шоир, адиб ва мутафаккирлар асарлари киритилганини таъкидлаш мумкин.

Шунингдек, туркий дунёнинг сиёсат, илм-фан, тиббиёт, адабиёт ва санъат соҳаларида улкан ютуқларга эришган намояндаларини рағбатлантириш мақсадида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис этилгани маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

ТУРКСОЙнинг 30 йиллик қутлуғ санасига бағишланган маданият кунларининг аъзо давлатлар пойтахтлари ҳамда БМТ, ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг расмий қароргоҳларида кенг нишонланиши — бу аввало, жаҳон ҳамжамиятининг туркий халқлар маданияти, урф-одат ва қадриятларига юксак ҳурмат-эҳтироми рамзидир.

Пойтахтимизда ўтказилаётган маданият кунлари тадбирларида ҳам аъзо давлатларнинг атоқли маданият ва санъат намояндалари, адиблари, рассомлари, кино ижодкорлари, истеъдодли ёшлари жам бўлган. "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Халқаро туркий маданият ташкилоти юбилейига бағишланган тантанали тадбир ва концерт дастури бўлиб ўтди. Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейида "Турк дунёси" номли рассомлар ва ҳунармандлар кўргазмаси, туркий дунё халқларининг миллий ошхоналарига оид гастрономик намойиш ташкил этилди.




Шунингдек, туркий тилли давлатларнинг нуфузли халқаро ташкилотлари раҳбарлари ва Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ўртасида маданият ва санъат, ноширлик, медиа, туризм каби соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришга оид мулоқот ва учрашувлар бўлиб ўтди. Мулоқотлар давомида туркий тилли давлатлар вакиллари ҳамкорликнинг галдаги истиқболларини белгилаб олди.

— Биз Ўзбекистон Маданият ва туризм вазири билан биргаликда мамлакатингиз ҳамда ТУРКСОЙ давлатлари маданий-маърифий ҳамкорлигининг айрим жиҳатларини кўриб чиқдик, — дейди ташкилот бош котиби Султон Раев оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида. — Келгусида биргаликда амалга оширилиши керак бўлган



қатор долзарб масалалар хусусида фикр алмашдик. Улардан бири — жадидлар фаолиятига оид симпозиум ўтказиш. Тарихдан биламизки, жадидлар нафақат Ўзбекистон, шунингдек, бутун Марказий Осиёдаги илк маърифий ҳаракатлардан саналади.

Яна бир муҳим масала — Фарғона вилоятида ТУРКСОЙ оламининг халқаро этнографик либослар модаси фестивалини ўтказиш бўйича ҳам маслаҳатлашиб олинди. Учрашувларда ТУРКСОЙ ташкилотининг 30 йиллиги муносабати билан маданият кунлари иштирокчиларига Ўзбекистон Президенти йўллаган табрик халқаро миқёсдаги бу тантаналарга ўзгача руҳ, янада кўтаринкилик бағишлагани қайд этилди.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Маданият кунлари доирасида бир гуруҳ таниқли маданият ва санъат намояндалари туркий давлатлар орасида маданият ва санъатни кенг тарғиб қилгани, мукаммал ижро ва профессонал маҳоратга эга, туркий давлатларда обрў ва этибор қозонган шахслар учун таъсис этилган "Олтин медаль" билан тақдирланди.

Ушбу юксак мукофотга муносиб кўрилганлар сафида Ўзбекистон халқ артистлари Шерали Жўраев, Ёдгор Саъдиев, Озодбек Назарбеков, Юлдуз Усмонова, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуриддинов, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор Бахтиёр Сайфуллаев (марҳум) каби элимизнинг суюкли фарзандлари бор.

— Сўнгги йилларда туркий дунё мамлакатлари орасидаги дўстлик муносабатлари ҳар томонлама ривожланиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси маданият ва туризм вазири Озодбек Назарбеков. — Жумладан, маданият соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари янги босқичга чиқди. Ўзаро ҳамжиҳатликда илдизлари бир нуқтага туташувчи қадим туркий маданиятни ривожлантириш йўлида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда, муносабатлар тобора мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатимизда ташқи сиёсат соҳасида олиб борилаётган очиқ ва конструктив, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган янгиланиш жараёнлари қўшни ва қардош давлатлар билан самимий, дўстона, ўзаро бiродарлик ва яхши қўшничиликка асосланган муносабатларни йўлга қўйишда муҳим асос бўлмоқда. Бу жиҳатлар туркий тилли давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мисли кўрилмаган тарзда янги босқичга олиб чиқиш имконини бергани билан ҳам аҳамиятлидир.

**Нодир МАҲМУДОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-646.
41011 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 23:50 Топширилди — 00:05